

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ГАПШАРОВ САМАНДАР МАМАТҚУЛОВИЧ**

**ПЛЁНКА ОСТИГА ҚЎШ ҚАТОРЛАБ ЭКИЛГАН ҒЎЗАНИ  
ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) in technical sciences**

**Гаппаров Самандар Маматкулович**

Плёнка остига қўш қаторлаб экилган ғўзани томчилатиб суғориш  
технологиясини такомиллаштириш..... 3

**Гаппаров Самандар Маматкулович**

Совершенствование технологии подплёночного капельного орошения  
хлопчатника двухстрочного посева..... 23

**Gapparov Samandar**

Improvement of the technology of under-film drip irrigation of cotton  
double-line sowing..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**ГАППАРОВ САМАНДАР МАМАТҚУЛОВИЧ**

**ПЛЁНКА ОСТИГА ҚЎШ ҚАТОРЛАБ ЭКИЛГАН ҒЎЗАНИ  
ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/T1250 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-сайтида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «Ziynet» ахборот-илмий порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Икрамов Раҳимджон Каримович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Шеров Анвар Гуламович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Норқулов Усмонқул**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти**

Диссертация химояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи DSc.03/30.12.2019.T.10.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «\_\_»\_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-22-09, факс: 237-54-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39- уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_»\_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_»\_\_\_\_\_ даги №\_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З.Султанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ф.А.Гаппаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

**М.Х.Хамидов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда сув ресурсларининг камайиши ва сувга бўлган талабнинг кескин ортиши натижасида қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришда сув тежамкор суғориш технологияларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида ғўза муҳим ва энг кўп сув талаб этадиган қишлоқ хўжалик экинларидан бири эканлиги ҳамда «2030 йилга бориб глобал сув танқислиги 40 фоизни ташкил этишини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, ғўзани суғоришда сувни тежаш имконини берадиган такомиллаштирилган суғориш усуллари ва тадбирларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан плёнка остига қўш қаторлаб экилган ғўзани томчилатиб суғориш усулларида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан, ғўзани етиштиришда сув тежовчи суғориш усуллари ва технологияларини ишлаб чиқиш, мавжуд суғориш усуллари ва тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, қўш қаторлаб экилган ғўзани суғоришда сувни тежаш учун плёнка остидан томчилатиб суғориш усулини мукамаллаштириш ва ушбу усул учун суғориш муддати ва меъёрларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотларни олиб боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалигида экинларни суғоришда сув ресурсларини тежаш, улардан оқилона ва самарали фойдаланиш, шу жумладан томчилатиб суғориш технологияларни жорий этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилган. Бироқ, «...республиканинг тупроқ-иқлим ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилишнинг илмий асосланган агротехника қоидалари мавжуд эмаслиги»<sup>2</sup> соҳани барқарор ривожлантиришга тўсиқ бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, қишлоқ хўжалигида томчилатиб суғориш технологияларидан янада самарали фойдаланиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» фармонлари, 2018 йил 27 декабрдаги ПҚ-4087-сон «Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ-4499-сон «Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш

<sup>1</sup> <https://undocs.org/pdf?symbol=ru/S/PV.7818> Официальный отчет Совета Безопасности, 2016. – С. 33

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги даги «Пахта хом ашёсини етиштиришда томчилатиб суғориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4087-сон қарори. URL: <http://lex.uz>

механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда тупроқ юзасини турли материаллар ёрдамида мулчалаб суғориш бўйича илмий-тадқиқотлар республикамизда маҳаллий олимлар Қ.Мирзажанов, М.Мухамеджанов, И.Турапов, Г.Безбородов, Ш.Холиқулов, О.Яқубжонов, Ф.Хасанова, Б.Ниязалиев, А.Шамсиев, А.Ҳайдаров, А.Санаккулов, Б.Камилов, М.Эсанбеков ва бошқа қатор олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Қишлоқ хўжалиги экинларини томчилатиб суғориш бўйича В.Духовний, М.Хорст, Р.Икрамов, Қ.Мирзажанов, Ф.Бараев, Б.Серикбаев, А.Салоҳидинов, Ф.Раҳимбоев, М.Ҳамидов, Г.Безбородов, И.Маҳмудов, Ш.Раҳимов, А.Шамсиев, А.Каримов, С.Нерозин, Б.Қамбаров, А.Усманов, Б.Камилов, Б.Маллаев, Т.Палванов, Э.Чолпанқулов, Р.Любар, У.Норқулов, А.Шеров, С.Маматов, Ю.Эсанбеков, Г.Стулина, А.Артиқов ва М.Саримсоқовлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда батафсил ёритилган.

Шу билан бир қаторда юқорида номлари қайд этиб ўтилган олимлар томонидан олиб борилган изланишлар натижасида маълум илмий натижаларга эришилган. Бироқ деҳқончилик юритиш тизими ўзгариши ва интенсивлашиши, ер ва сув ресурсларидан йил давомида фойдаланилаётганлиги, сув танқислигининг тобора кучайиб бораётганлиги қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда инновацион сув тежамкор суғориш усуллар ва технологияларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бу масалада ғўзани суғоришда тупроқ юзасини турли материаллар ёрдамида мулчалаб томчилатиб суғориш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ирригация ва сув муаоммолари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасидаги № 1/2017 «Мулчаланган майдонга плёнка остига қўш қаторлаб экилган ғўзани томчилатиб суғориш асосида етиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш» (2017); № ҚХ-А-ҚХ-2018-288 «Республика ҳудудларига мос сув тежайдиган, такомиллашган технологияларни ишлаб чиқиш, тупроқ унумдорлигини ва қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширувчи агробиотехнологик усулларни қўллаш» (2018-2020) мавзулари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** суғориладиган ярим гидроморф, кучсиз шўрланган, енгил қумоқ, ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида қўш қатор экилган

ғўзани плёнка остидан томчилатиб суғориш технологиясини такомиллаштириш ва мазкур технологиянинг самарадорлигини илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ғўзани томчилатиб ва тупрокни мулчалаб суғориш бўйича олиб борилган илмий ва назарий тадқиқотлар натижаларини тахлил қилиш;

суғориладиган ярим гидроморф, кучсиз шўрланган, енгил қумоқ, ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида қўш қаторлаб экилган ғўзани эгатлаб ва плёнка остидан томчилатиб суғоришда тупроқнинг агро-физик, сув-физик ҳамда агрохимёвий хоссаларини ўзгаришини тадқиқ қилиш;

суғориладиган ярим гидроморф, кучсиз шўрланган, енгил қумоқ, ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида қўш қаторлаб экилган ғўзани эгатлаб ва плёнка остидан томчилатиб суғориш меъёрларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш;

қўш қаторлаб экилган ғўзани эгатлаб ва плёнка остидан томчилатиб суғориш муддати ва меъёрларини ҳисоблашда халқаро ФАО услубини маҳаллий шароитга адаптация қилиш ҳамда экин коэффициентларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида суғориладиган ярим гидроморф, кучсиз шўрланган, енгил қумоқ, ўтлоқи бўз тупроқлари, қўш қатор экилган ғўзанинг маҳаллий районлашган «Пахтакор-1» нави олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида қўш қаторлаб экилган ғўзани эгатлаб ва плёнка остидан томчилатиб суғориш технологияси, сизот сувлар сатҳи ва минерализацияси, суғоришлар сони, бир марталик ва мавсумий суғориш меъёрлари ҳамда ғўзанинг умумий сув истеъмоли бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотларда тупроқ, ўсимлик намуналари, лаборатория таҳлиллари, фенологик кузатувлари «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ҳамда «Қишлоқ хўжалик экинларини суғориш техникаси ва суғориладиган ерларни районлаштириш мақсадида рационал усуллардан оқилона фойдаланиш усуллари» ҳамда математик моделлар тузиш ва уларни сонли ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

суғориладиган ярим гидроморф, енгил қумоқ, кучсиз шўрланган, ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида қўш қаторлаб экилган ғўзани эгатлаб ва плёнка остидан томчилатиб суғориш меъёрларини ҳисоблаш учун ғўзанинг ривожланиш босқичлари ҳамда сув истеъмолини ҳисобга олувчи экин коэффициенти асосланган;

суғориладиган ярим гидроморф, енгил қумоқ, кучсиз шўрланган, ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида қўш қаторлаб экилган ғўзани плёнка остидан томчилатиб суғориш муддати ҳамда меъёрлари ғўзани ривожланиш босқичлари ҳамда сув истеъмолини ҳисобга олувчи экин коэффициенти асосида ишлаб чиқилган;

қўш қаторлаб экилган ғўзани плёнка остидан томчилатиб суғориш усулининг тупроқнинг ҳажмий массаси, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги ва озуқа элементлари ҳамда шўрланишига таъсири аниқланган;

суғориладиган ярим гидроморф, енгил қумоқ, кучсиз шўрланган, ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида ташқи омиллар таъсирида тупроқдаги намликнинг ўзгаришига қараб қўш қаторлаб экилган ғўзани плёнка остидан томчилатиб суғориш режимига тузатишлар киритиш тартиби ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:**

Жиззах вилоятининг суғориладиган ярим гидроморф, енгил қумоқ, кучсиз шўрланган, ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида қўш қаторлаб экилган ғўзани плёнка остидан томчилатиб суғориш технологияси такомиллаштирилган;

махаллий шароитга адаптация қилинган ҳалқаро ФАО услуги асосида тадқиқот объектининг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олиб қўш қатор экилган ғўзани эгатлаб ва плёнка остидан томчилатиб суғориш меъёрлари ҳамда суғориш муддатлари ишлаб чиқилган;

ғўзани суғоришда сув тежовчи суғориш технологиялари комплексини қўллашда амалий тадқиқотлар натижасида тупроқ юзасидан бўладиган физик буғланиш миқдори 12-30 % гача камайтиришга, мавсумий суғориш меъёри 25-30 % га иқтисод қилишга, ҳосилдорлик миқдори 16 % гача ортганлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотлар билан тасдиқланганлиги, олиб борилган экспериментал кузатув маълумотларидан фойдаланилганлиги, ҳисоблашлар статистик ва математик моделлаштириш усуллари асосланганлиги, тажриба натижаларини ушбу тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан таққосланганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ хўжалиги экинларини, хусусан ғўзани суғоришда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш услуги янгича ёндошувлар асосида баҳоланганлиги ҳамда такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти суғориладиган ярим гидроморф, кучсиз шўрланган, енгил қумоқ, ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида қўш қаторлаб экилган ғўзани плёнка остидан томчилатиб суғоришда сув ресурслари 25-30 % тежалиши, пахта ҳосилдорлиги 5,4-6,6 ц/га ошганлиги, минерал ўғитлар, ёқилғи мойлаш материаллари ва меҳнат ресурсларининг тежалганлиги ва томчилатиб суғориш технологияси такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қўш қаторлаб экилган ғўзани плёнка остидан такомиллаштирилган томчилатиб суғориш технологияси бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:



кўш қаторлаб экилган ғўзани плёнка остидан томчилатиб суғориш усули Пахтакор тумани ирригация бўлимида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 январдаги 04/25-225-сон маълумотномаси). Натижада томчилатиб суғоришда ҳар гектардан эгатлаб суғоришга нисбатан суғориш суви 35-40 %, минерал ўғитлар қарийб 40-50 % га тежалиб, пахта ҳосилини 5,0 ц/га оширишга имкон яратилган;

кўш қаторлаб экилган ғўзани плёнка остидан томчилатиб суғориш усули Сирдарё вилояти Сирдарё ва Мирзаобод тумани ирригация бўлимида жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 январдаги 04/25-225-сон маълумотномаси). Натижада анъанавий эгатлаб суғорилган майдонларга нисбатан суғориш сувини 35,0-40,0 % га, минерал ўғитларни эса 30,0 % га тежаш ҳамда гектаридан 7,0-9,0 ц га кўпроқ пахта ҳосили етиштириш имкони яратилган;

кўш қаторлаб экилган ғўзани плёнка остидан томчилатиб суғориш учун маҳаллий шароитга адаптация қилинган суғориш тартибини ҳисоблаш услуги Сув хўжалиги вазирлиги томонидан амалиётга жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 21 январдаги 04/25-225-сон маълумотномаси). Натижада томчилатиб суғориш меъёрлари 264-446 м<sup>3</sup>/га ни, мавсумий суғоришлар эса 1480-1640 м<sup>3</sup>/га ни ташкил этиб, эгатлаб суғоришга нисбатан 35-40 % гача суғориш суви тежалишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган. Бажарилган тадқиқотларнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Экинларни парваришлашда тупроқни мулчалош, томчилатиб суғориш, сувга бўлган талаби ҳамда суғориш меъёрлари

**бўйича олиб борилган тадқиқотлар шархи»** деб номланган биринчи бобида тупроқни турли материаллар ёрдамида мулчлалаш, томчилатиб суғориш, экинларнинг сувга бўлган талаби, суғориш муддати ва меъёрлари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари натижалари таҳлил қилинган ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган. Ёўзани суғоришда сув тежовчи суғориш технологиялари ва томчилатиб суғориш бўйича В.Духовний, Н.Хамраев, Б.Қамбаров, Г.Безбородов, Р.Икрамов, М.Хорст, С.Нерозин, А.Усманов, А.Новикова, Ф.Бараев, Б.Серикбаев, Ш.Хамраев, А.Салоҳиддинов, М.Хамидов, А.Каримов, У.Норқулов, А.Шамсиев, А.Шеров, Б.Камилов, С.Маматов, Ю.Эсанбековлар, тупроқни турли табиий ва сунъий материаллар ёрдамида мулчалаб суғориш бўйича И.Турапов, М.Мухаммеджанов, С.Сулайманов, Ш.Нурматов, О.Ёқубжонов, Ш.Халиқулов, Г.Безбородов, Р.Икрамов, Б.Камилов, А.Шамсиев, А.Салоҳиддинов, С.Исаев, М.Эсанбеков, Ф.Хасанова, О.Юсупбековлар, экинларнинг сувга бўлган талаби ҳамда суғориш меъёрларини ҳисоблаш усуллари бўйича А.Костяков, А.Алпатыев, С.Рижов, В.Еременко, Б.Милькис, И.Шаров, Н.Иванов, Л.Молчанов, Х.Аманов, С.Харченко, В.Легостаев, Б.Коньков, В.Шредер, И.Васильев, Г.Трунова, М.Меднис, А.Рамазонов, Р.Мурадов, Б.Матякубов ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ва эришилган натижалари келтирилган.


Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили асосида ярим гидроморф, кам шўрланган, енгил қумоқ, ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида қўш қатор экилган ёўзани плёнка остидан томчилатиб суғоришда тупроқнинг сув-физик ва агрокимийвий хоссаларига таъсири, умумий сув истеъмоли, суғориш муддати ва меъёрлари белгилаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари етарлича олиб борилмаганлиги, мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишларини ўтказиш зарурлиги тўғрисида хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот объектининг табиий-хўжалик шароитлари ва тадқиқот олиб бориш услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектининг жойлашган ўрни, тупроқ-иқлим, геологик ва гидрогеологик шароитлари, тупроқ шароити, суғориш манбалари, тадқиқотларни олиб бориш услублари, тажриба тизими ва тадқиқотлар давомида бажарилган агротехник тадбирлар баён этилган.

Дала тадқиқотлари ПСУЕАИТИ нинг Жиззах тажриба станцияси майдон-ларида олиб борилган бўлиб, тажриба майдони янги ўзлаштирилган ерлар тоифасига кириб, енгил қумоқ, ўтлоқи бўз, кучсиз шўрланган тупроқлар ҳисобланади. Сизот сувлари сатҳи вегетация даврида ўртача 1,5-3,0 м атрофида ўзгариб туради. Тажриба майдонининг нишаблиги 0,0005 дан 0,0015 гача яъни, паст нишабли ёки нишабсиз ерлар ҳисобланади.

Тажриба 2 та вариант, 3 такрорликда, ҳар бир вариант майдони 720 м<sup>2</sup> ни, жами ҳисобли ер майдони 4320 м<sup>2</sup> ни ташкил этган (1-расм).

Тадқиқотларда ёўзани истикболли ўрта толали «Пахтакор-1» нави қўш қатор 60-30 схемада экилиб, эгатлаб ва плёнка остидан томчилатиб суғоришда суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70–70–60% тартибда олиб борилган.



**1-расм. Кўш қаторлаб экилган ғўзани эгатлаб ва плёнка остидан томчилатиб суғориш тизими ва схемаси**

Диссертациянинг «Тадқиқот натижалари ва ғўзанинг умумий сув истеъмоли ҳамда суғориш меъёрларини ҳисоблаш услубини такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида тажриба даласи тупроғининг агрохимёвий, агрофизик, шўрланиш, сизот сувлари сатҳи ҳамда минерализацияси бўйича дала тадқиқотлари натижалари келтирилган. Тажриба даласи тупроғи таркибидаги 0-30 ва 30-50 см қатламларда чиринди микдори 0,865 % ни, ҳайдов ости (30-50 см) қатламида 0,763 % ни, азотнинг нитрат формаси 18,3-16,1 мг/кг ни, фосфор ва калийнинг ҳаракатчан формаси 36,6-33,1; 425-360 мг/кг ни, чиринди билан кам, озуқа элементларининг ҳаракатчан формаси бўлган нитратли азот билан кам, фосфор билан ўрта ва калий билан юқори даражада таъминланганлиги аниқланди.


Тажриба даласи тупроғининг агрофизикавий, сув-физик хоссалари, ҳажм массаси, ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги бўйича изланишлар олиб борилиб, суғориш усуллари тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклигига турлича таъсир этиб, 0-30, 0-50, 0-70, 0-100 см қатламларда ғўза вегетацияси даври бошида эгатлаб суғорилган вариантларда 3 йилда ўртача 1,37; 1,39; 1,41; 1,44 г/см<sup>3</sup> ва 49,4; 48,7; 47,8; 46,6 %ни, плёнка остидан томчилатиб суғорилган вариантларда эса бу кўрсаткичлар 1,36; 1,39; 1,41; 1,44 г/см<sup>3</sup> ва 49,6; 48,7; 47,9; 46,8 %ни, вегетация даври охирида эгатлаб суғорилган вариантларда 1,40; 1,42; 1,45; 1,48 г/см<sup>3</sup>, 48,2; 47,4; 46,4; 45,0 %ни, плёнка остидан томчилатиб суғорилганда тегишлича 1,38; 1,41; 1,43; 1,47 г/см<sup>3</sup> ҳамда 48,7; 47,9; 46,9; 45,6 % ташкил этди. Вегетация даври охирида эгатлаб суғорилган назорат вариантларида тупроқнинг ҳажм массаси 0,03-0,04 г/см<sup>3</sup> га, плёнка остидан томчилатиб суғорилган вариантларда эса 0,02-0,03 г/см<sup>3</sup> га зичланганлиги кузатилди.

Тадқиқот объектида олиб борилган кузатувлар натижалари бўйича сизот сувлар сатҳи вегетация бошидан вегетация даври охиригача 1,5-2,9 м гача, сизот сувлари минерализацияси вегетация даври бошидан вегетация даври охиригача 4,05-5,62 г/л гача ўзгариши аниқланди.

Тупроқ шўрланиши бўйича олиб борилган тадқиқотларда 3 йилда ўртача вегетация бошидан вегетация сўнгигача қадар назорат вариантларида 0.38 ЕС, dS/m га, тажриба вариантларида эса 0.31 ЕС, dS/m га ошганлиги аниқланди. Бунда плёнка остидан томчилатиб суғорилган тажриба

вариантларда эгатлаб суғорилган назорат вариантларга нисбатан тупроқнинг электр ўтказувчанлиги 0,07 ЕС, dS/m кам ўзгарганлиги аниқланди.

Шунингдек ғўзанинг суғориш тартиби ва меъёрларини белгилаш маҳаллий шароитга адаптация қилинган ҳалқаро ФАО услубидан фойдаланиб, илмий тадқиқот институтлари томонидан олиб борилган кўп йиллик дала тадқиқотлари маълумотларидан фойдаланиб қуйидаги 2-расмда келтирилган кетма-кетлик асосида бажарилди.




## 2-расм. Ғўзанинг суғориш тартиби ва сувга бўлган талабини асослашнинг умумий блок схемаси

Экиннинг эталон эвапотранспирация ( $ETo$ ), экин коэффиценти ( $Kc$ ), қишлоқ хўжалиги экинларининг хусусиятлари ва эвапотранспирациясини ( $ETc$ ) ҳисоблаш, ғўзанинг умумий сув истеъмолини ҳисоблаш адаптация қилинган Пенмана-Монтейта услуби асосида ҳисобланади ҳамда ҳаво ҳарорати, намлиги, шамол тезлиги ва қуёш нур сочиш давомийлиги бўйича маълумотлардан фойдаланилади.

$$ETo = \frac{0.408\Delta(R_n - G) + \gamma \frac{900}{T + 273} u_2 (e_s - e_a)}{\Delta + \gamma(1 + 0.34u_2)}; \text{ мм} \quad (1)$$

бунда  $E_{To}$ -эталон эвапотранспирация [ $\text{мм кун}^{-1}$ ];  $R_n$ -ўсимлик сатҳига тушадиган соф радиация [ $\text{МДж м}^{-2} \text{кун}^{-1}$ ];  $G$ -тупроқдаги иссиқлик оқимининг зичлиги, [ $\text{МДж м}^{-2} \text{кун}^{-1}$ ];  $T$ -ер сатҳидан 2 м баландликдаги ҳавонинг ўртача кунлик ҳарорати [ $^{\circ}\text{C}$ ];  $u_2$ -ер сатҳидан 2 м баландликдаги шамолнинг тезлиги [ $\text{м с}^{-1}$ ];  $e_s$ -тўйинган буғ босими [ $\text{кПа}$ ];  $e_a$ -амалдаги буғнинг ҳақиқий босими [ $\text{кПа}$ ];  $(e_s - e_a)$  буғнинг тўйиниш босими дефицити [ $\text{кПа}$ ];  $\Delta$ -буғ босимининг эгри чизик градиенти [ $\text{кПа } ^{\circ}\text{C}^{-1}$ ],  $\gamma$ -психрометрик турғунлик (константа) [ $\text{кПа } ^{\circ}\text{C}^{-1}$ ].

Эталон эвапотранспирация ( $E_{To}$ ) иқлим кўрсаткичлари ҳамда об-ҳаво маълумотлари асосида ҳисобланиб маълум бир ҳудуд ва мавсумда атмосферанинг буғланиш кучини ифодалайди ҳамда экин ёки тупроқ турига боғлиқ бўлмайди. Дўстлик метеостанциясининг ўртача кўп йиллик об-ҳаво маълумотлари асосида 1-тенгламадан фойдаланиб эталон эвапотранспирация ( $E_{To}$ ) ҳисобланди ва 3-расмда ўртача суткалик ва ойлик ҳисоблари келтирилди.



**3-расм. Дўстлик метеостанцияси маълумотлари асосида ҳисобланган экинларнинг  $E_{To}$  эталон эвапотранспирацияси**

Эталон эвапотранспирация ( $E_{To}$ ) ва экин эвапотранспирация ( $E_{Tc}$ ) си билан боғлаш учун экин коэффициент ( $K_c$ ) лари киритилиб ғўзанинг ривожланиш босқичлари бўйича сув истеъмоли ҳисобга олинади. Ўсимликнинг ўсиб ривожланиш жараёнида тўлиқ самарадорликка эришишда экин коэффициенти ( $K_c$ ) нинг қиймати касалликка чалинмаган, мақбул (оптимал) тупроқ шароитига эга бўлган катта далаларда ўсаётган ўсимлик, мақбул тупроқ унумдорлиги ва суғориш шароитларини ҳисобга олиб эвапотранспирация ( $E_{Tc}$ ) куйидаги 2-тенглама бўйича ҳисобланади.

$$E_{Tc} = K_c \cdot E_{To}; \text{ мм} \quad (2)$$

бунда  $E_{Tc}$ -экин эвапотранспирацияси, мм;  $K_c$ -экинларни ривожланиш босқичлари ҳамда сув истеъмолини ҳисобга олувчи экин коэффициенти;  $E_{To}$ -эталон эвапотранспирацияси, мм.

Экин коэффициенти ( $K_c$ ) нинг қиймати экинни экиш муддати, ривожланиш босқичлари, вегетация даври давомийлиги, суғориш усули ва техникаси (мулчалаш, қўш қатор, эгатлаб ва томчилатиб суғориш) ҳамда иқлим шароити каби омилларга боғлиқ. Экин коэффициенти ( $K_c$ ) қишлоқ хўжалик экинларини суғориш бўйича олиб борилган кўп йиллик дала экспериментал тадқиқотлари асосида аниқланади. Маҳаллий шароитга адаптация қилинган ҳалқаро ФАО услуви бўйича ғўзанинг режалаштирилган суғориш тартибини ҳисоблашда ИСМИТИ томонидан Мирзачўл ҳудудида

лизиметрларда олиб борилган тадқиқотларда аниқланган экин коэффициент (Кс) лари асосида қабул қилинди (1-жадвал).

1-жадвал

**Лизиметрларда олиб борилган тадқиқотлар асосида аниқланган  
ғўзанинг (Кс) экин коэффициентлари (Р.К.Икрамов, Л.Х.Шездюкова ва  
С.М.Гаппаровларнинг тадқиқотлари бўйича)**

№	Экин коэффициент (Кс)лари	ССС, м	Ўзанинг ривожланиш босқичлари ва давомийлиги, кун				Ўртача
			1	2	3	4	
			14.05-31.05	1.06-21.07	22.07-30.08	1.09-30.09	
1	ФАО услуги бўйича		0,40	0,75	1,15	0,70	0,80
2	Лизиметрларда аниқланган бўйича	1,5	0,38	0,71	1,16	0,91	0,79
		2,0	0,32	0,62	1,05	0,68	0,67
		2,5	0,29	0,59	1,02	0,63	0,63
		3,0	0,28	0,57	1,01	0,63	0,62

Лизиметрларда олиб борилган тадқиқотлар асосида аэрация минтақасидаги тупроқ қатламларидаги умумий буғланиш миқдорини аниқлаш ҳамда умумий сув мувозанатини тузиш имконини беради. Бунда ўзанинг умумий сув истеъмолини аниқлашда сизот сувлар сатҳи ҳар хил чуқурликда бўлган лизиметрларда ҳамда «А» синфига мансуб буғлатгич маълумотлари асосида сув баланси қуйидаги 3-тенглама бўйича аниқланди.

$$ET = (W_k - W_n) + O_c + B \pm v; \text{ мм} \quad (3)$$

бунда  $W_k$ -вегетация даври бошидаги тупроқдаги намлик захираси, мм;  $W_n$ -вегетация даври охиридаги тупроқдаги намлик захираси, мм;  $O_c$ -атмосфера ёғинлари, мм;  $B$ -суғоришга берилган сув миқдори, мм;  $\pm v$  - «+» қуйилган сув ёки «-» олинган сув, мм.

Дала тадқиқотларида полиэтилен плёнкадан мулча сифатида фойдаланиш натижасида тупроқ юзасидан бўладиган буғланиш миқдори, жумладан экин коэффициентлари (Кс)нинг қиймати ўртача 10-30 %га ёки тупроқдан бўладиган буғланиш миқдори 50-80 %га камайиши аниқланди. Қўш қатор экилган ўзани эгатлаб ҳамда плёнка остидан томчилатиб суғоришда экин коэффициентлари таққосланиб ФАО услуги бўйича ҳисобланди (2-жадвал).

2-жадвал

**Қўш қатор экилган ўзани эгатлаб ва плёнка остидан томчилатиб  
суғоришда ҳисобланган экин коэффициент (Кс)лари**

№	Экин коэффициент (Кс)лари	Ўзанинг ривожланиш босқичлари ва давомийлиги, кун			
		1	2	3	4
		30	45	35	25
1	Қўш қатор экилган ўзани эгатлаб суғориш	0,36	0,71	1,10	0,71
2	Қўш қатор экилган ўзани плёнка остидан томчилатиб суғориш	0,10	0,43	0,77	0,42

**Суғориш меъёри (d, мм)** ҳисобий илдиз қатлами, тупроқнинг механик таркиби, чекланган дала нам сифими, суғориш олди тупроқ намлиги, томизғичлар тури, сони ва сув сарфи асосида суғориш меъёри белгиланади (4-тенглама). Ҳар бир экин тури ва ривожланиш босқичи бўйича экин

эвапотранспирациясига боғлиқ ҳолда тупроқдаги намлик миқдорининг камайиш коэффициенти ( $p$ ) аниқланади. Бу коэффициент ўсимликнинг ҳар бир ўсиш босқичида ҳосилнинг камайишига олиб келмасдан фойдаланиш мумкин бўлган тупроқ намлигининг нисбатини кўрсатади.

$$d = \frac{(p \cdot Sa) \cdot D \cdot P}{(Eu \cdot Ea)}; \text{ мм} \quad (4)$$

бунда  $p$ -тупроқ намлигига етиб борадиган умумий сув миқдори бўлиб, қиймати экин тури ва буғланиш кўрсаткичларига бевосита боғлиқ;  $Sa$ -тупроқдан ўсимлик ўзлаштириши мумкин бўлган сув миқдори, мм;  $D$ -ҳисобий илдиз қатлами қалинлиги, мм;  $P$ -томчилатиб суғоришда майдоннинг намланиш улуши, %;  $Ea$ -томчилатиб суғоришнинг фойдали иш коэффициенти;  $Eu$ -далани суғоришнинг нотекислигини ҳисобга олиш кўрсаткич;  $d$ -экинни бир марта суғоришга сарфланадиган сув миқдори, мм.

**Суғориш давомийлиги ( $t$ )** экин эвапотранспирацияси ( $ET_c$ ) нинг аниқ миқдори, тупроқдаги намлик миқдорининг камайиши ҳамда фильтрация тезлигини аниқлаш орқали томчилатиб суғориш давомийлиги аниқланади (5-тенглама).

$$t = \frac{d \cdot L1 \cdot L2}{qe}; \text{ соат} \quad (5)$$

бунда  $d$ -бир марта суғориш меъёри, мм,  $L1$ -эгатлар кенглиги, м;  $L2$ -томизғичлар орасидаги масофа, м;  $qe$ -томизғичларнинг сув сарфи, л/соат.

**Суғоришлар ўртасидаги вақт ( $i$ )** ни тўғри танлаш жуда муҳим ҳисобланиб, буғланиш миқдорининг ўзгариши, ҳисобий илдиз қатлами ва тупроқнинг механик таркиби, шунингдек экиннинг ривожланиш босқичларига бевосита боғлиқ. Суғоришлар оралиқ вақти қуйидаги 6-тенглама бўйича аниқланади.

$$i = \frac{(p \cdot Sa) \cdot D \cdot P}{ET_c}; \text{ кун} \quad (6)$$

Вегетация даврида экинларни суғориш орасидаги вақтни аниқлашда  $p$ -тупроқ намлигига етиб борадиган умумий сув миқдори,  $D$ -ҳисобий илдиз қатлами ва  $ET_c$ -экин эвапотранспирациясининг қийматларида ўзгаришлар кузатилади. Натижада суғоришлар орасидаги вақт, бир марталик суғориш меъёри ҳамда мавсумий суғориш меъёрлари ҳам ўзгаради. Адабиётлар тахлили бўйича иқлим шароитлари мўтадил кенгликларда физик буғланиш миқдори 40-60 % ни ташкил қилса, жанубдан шимолга томон бу кўрсаткич камайиб бориши таъкидланган.

Кўш қатор экилган ғўзани режалаштирилган суғориш меъёрлари Дўстлик метеостанциясининг ўртача кўп йиллик об-ҳаво маълумотлар асосида маҳаллий шароитга адаптация қилинган ҳалқаро ФАО услубида ҳисобланган (3-жадвал).

**Кўш қатор экилган ғўзани режалаштирилган суғориш меъёрлари**

Кўрсаткичлар	Ойлар			Жами
	Июнь	Июль	Август	
<b>Режалаштирилган эгатлаб суғориш муддати ва меъёрлари</b>				
Суғориш сони	-	1	2	3
Суғорилган кунлар	-	14.07	8.08, 22.08	
Суғориш ва мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	-	1120	900, 900	2920
<b>Режалаштирилган томчилатиб суғориш муддати ва меъёрлари</b>				
Суғориш сони	2	4	2	8
Суғорилган кунлар	11.06, 22.06	2.07, 11.07, 20.07, 31.07	10.08, 24.08	
Суғориш ва мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	255, 265	275, 275, 275, 275	275, 275	2170
<b>Ғўзани плёнка остидан режалаштирилган томчилатиб суғориш муддати ва меъёрлари</b>				
Суғориш сони	1	3	1	5
Суғорилган кунлар	19.06.	4.07, 19.07, 31.07	20.08.	
Суғориш ва мавсумий суғориш меъёри, м <sup>3</sup> /га	310	310, 310, 310	355	1595

Томчилатиб суғориш бўйича бажарилган ҳисоб-китобларда ғўзанинг бошланғич ривожланиш давларида эвапотранспирация миқдорини қабул қилишда транспирация 70 % ва физик буғланиш 30 %, кейинги ривожланиш давларида эса транспирация 88 % ва физик буғланиш 12 % қабул қилинди.

Диссертациянинг «Кўш қатор экилган ғўзани эгатлаб ва плёнка остидан томчилатиб суғориш тартибини коррективровка қилиш» деб номланган тўртинчи бобида ғўзани суғориш тартибини коррективровка қилиш зарурати ва асосий омиллар, суғоришни коррективровка қилиш зарурати ҳамда услублар бўйича маълумотлар келтирилган. Таъсир даражасига қараб суғориш тартибига режали ва оператив тузатишлар амалга оширилади. Режалаштирилган суғориш тартиби ўртача ва узоқ муддатли метеорологик маълумотлар асосида йил давомида бир марта ҳисобланади. Шунинг учун у объектнинг табиий ва иқтисодий, ташкилий ва техник шароитларининг ўзгаришига қараб коррективровка қилиш керак.

Тезкор суғоришни бошқаришнинг методологик асоси тупроқдаги намлик захираси, алмашлаб экиш тури ва фазаси билан динамик боғлиқ ҳолда ҳар куни баҳолашни ўз ичига олади. Суғоришни коррективровка қилишда тензиометр кўрсаткичлари, «А» синфига мансуб буғлаткич маълумотлари ҳамда Блейни-Криддла усулидан фойдаланиб суткалик сув баланси асосида метеорологик маълумотларни 5-10 кун олдинги башоратларни ҳисобга олиб суғориш тартибига тузатишлар киритилиб ҳисоб-китоблар бажарилади.



Ҳисоб даври охирида тупроқдаги намлик мувазанати ва башорат қилинган намлик захираси қуйидаги 7-тенглама бўйича аниқланади.

$$We = Wb + Oc - ETc; \text{ мм} \quad (7)$$

бунда  $We$ -ҳисоб даври охирида тупроқдаги намлик захираси, мм;  $Wb$ -ҳисоб даври бошида тупроқдаги намлик захираси, мм;  $Oc$ -ёгин миқдори, мм;  $ETc$ -экин эвапотранспирацияси, мм.

Тензиометрлар кўрсаткичларидан фойдаланиб ғўзани суғориш тартибига, суғориш муддатлари ва меъёрлари коррективировка қилинди (4-жадвал).

#### 4-жадвал

**Тупроқдаги намлик миқдори ва тензиометр кўрсаткичлари бўйича қўш қатор экилган ғўзани плёнка остидан томчилатиб суғориш муддати ва меъёрлари**

Йиллар	Ойлар	Июнь	Июль	Август	Жами
2017 й	Суғоришлар сони	1	1	2	4
	Суғориш кунлари	18.06	16.07	9.08, 30.08	
	Суғориш меъёри брутто, м <sup>3</sup> /га	700	320	325, 310	1655
2018 й	Суғоришлар сони	1	2	2	5
	Суғориш кунлари	29.06	11.07, 27.07	13.08, 31.08	
	Суғориш меъёри брутто, м <sup>3</sup> /га	260	330, 350	360, 300	1600
2019 й	Суғоришлар сони	1	2	3	6
	Суғориш кунлари	25.06	9.07, 20.07	2.08, 14.08, 26.08	
	Суғориш меъёри брутто, м <sup>3</sup> /га	240	300, 335	340, 350, 315	1880

Очиқ сув юзасидан суткалик буғланиш миқдорини аниқлашда АҚШ стандарти бўйича «А» синфига мансуб буғлатгичдан фойдаланилган. Буғлатгич маълумотлари ҳамда эвапотранспирация миқдори ўртасидаги фаркка қарамасдан, 10 кун ёки ундан кўп даврга  $ET_0$  башорат қилиш учун буғлатгичдан фойдаланиш кафолатланиши мумкин (8-тенглама).

$$ET_0 = K_r \cdot E_{pan}; \text{ мм/сут} \quad (8)$$

бунда  $ET_0$ -эталон эвапотранспирацияси, мм/сут;  $K_r$ -буғлатгич коэффициенти;  $E_{pan}$ -буғлатгичдан бўлган буғланиш миқдори, мм/сут.

Буғлатгич коэффициенти тупроқ қоплами, ҳавонинг нисбий намлиги ва шамол тезлигини ҳисобга олади.

Бу усул бўйича суғориш даврида илдиз қатламидаги намлик миқдори ҳисобланиб, ўтган давр учун кумулятив жамламадаги сув сарфига бўлган намликни осонлик билан бўладиган намлик миқдоридан айириш йўли билан белгиланади.

$$Sa = \frac{3ДВ \cdot D \cdot P}{1000}; \text{ мм} \quad (9)$$

бунда Sa-енгил ўзлаштириладиган намлик миқдори, мм; ЗДВ-илдиз қатламидаги мавжуд намликнинг ўртача захираси; D-илдиз қатлами, мм; P-сўлиш коэффициенти.

Суғориш кунидан бошлаб ўтган барча кунлар учун эвапотранспирациянинг умумий қиймати илдиз қатламидаги осонгина ўтиш мумкин бўлган тупроқ намлигининг ҳажмига тенг бўлганда амалга оширилиши керак (5-жадвал).

### 5-жадвал

#### Буғлатгич маълумотлари асосида қўш қатор экилган ғўзани плёнка остидан томчилатиб суғориш муддати ва меъёрларини коррективировка қилиш натижалари

Йиллар	Ойлар	Июнь	Июль	Август	Жами
	Суғоришлар сони	2	3	1	6
2017 й.	Суғориш кунлари	20.06, 30.06	10.07, 20.07, 31.07.	12.08	
	Суғориш меъёри брутто, м <sup>3</sup> /га	300, 350	400, 400, 350	300	2100
2018 й.	Суғоришлар сони	2	3	1	6
	Суғориш кунлари	16.06, 28.06	8.07, 18.07, 29.07	10.08	
